


I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ


1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)¹

2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЯИМи ҳажми жорий нархларда 1 015 331,8 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари билан таққослаганда 6,6 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2023 йилнинг январь-сентябридаги нархларга нисбатан 113,1 % ни ташкил этди.



2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМнинг дефлятор индекси (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



✓ **Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариши фаолиятининг якуний натижасини ифodalовчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиши учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)нинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

✓ **ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)** доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМига нисбати орқали ҳисобланади.

¹Бу ерда ва кейинги ўринларда 2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойлари учун қузатилмайдиган иқтисодий ҳисобга олган ҳолда аниқлик киртилган маълумотлар келтирилган.

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ (жорий нархларда, трлн сўм)




2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон
Республикаси ЯИМи (млрд АҚШ долларларида)

Жорий даврда ўртача алмашув курси бўйича ҳисобланган номинал ЯИМ ҳажми 80 614,8 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Маълумот учун: 2024 йилнинг январь-сентябрида АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўртача расмий курси 12 594,9 сўм, 2023 йилнинг январь-сентябрида 11 556,2 сўм, 2022 йилнинг январь-сентябрида 11 009,3 сўм, 2021 йилнинг январь-сентябрида 10 565,5 сўм, 2020 йилнинг январь-сентябрида 9 940,9 сўмга тенг бўлган.




2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМ ўсишида
тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



2024 йилнинг январь-сентябрида ЯИМ ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи 0,7 ф.п., саноат тармоғи – 1,6 ф.п., қурилиш тармоғи – 0,7 ф.п. ва хизмат кўрсатиш тармоғи – 3,3 ф.п. ижобий ҳисса қўшди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг ўсиши ҳисобига ЯИМ 0,3 ф.п. га кўпайди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 95,4 % ини ташкил этди ва 6,6 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 6,3 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 4,6 % ни ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябри билан таққослаганда 6,6 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири – 0,3 ф.п.).

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби (жамига нисбатан % да)




2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари яқунларига кўра, ЯИМ таркибида катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилди. ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида хизматлар соҳасининг улуши 46,5 % дан 47,2 % га, саноатнинг улуши 24,7 % дан 26,2 % га ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 21,2 % дан 19,4 % га ҳамда қурилиш тармоғининг улуши 7,6 % дан 7,2 % га камайди.

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ЯИМ
(жорий нархларда, минг сўм)


Йиллар



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ўртача сони 2020 йилнинг январь-сентябрида 34 144,2 минг киши, 2021 йилнинг январь-сентябрида 34 819,1 минг киши, 2022 йилнинг январь-сентябрида 35 546,2 минг киши, 2023 йилнинг январь-сентябрида 36 312,4 минг киши ва 2024 йилнинг январь-сентябрида 37 077,6 минг кишини ташкил этган.

2024 йилнинг январь-сентябрида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 27 384,0 минг сўмни (ёки 2 174,2 АҚШ доллари эквивалентида) ташкил этди.


2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш (камайиш) суръатлари
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % ҳисобида)



Юқорида келтирилган диаграммадан кўриниб турганидек, 2024 йилнинг январь-сентябрида аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг реал ўсиши 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 4,4 % ни, 2020 йилнинг январь-сентябрига нисбатан эса 19,7 % ни ташкил этди.

✓ **Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.**

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати




2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 187 918,5 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари билан таққослаганда 3,1 % га ўсди. Ушбу тармоқда 2023 йилнинг январь-сентябрида 4,0 %, 2022 йилнинг январь-сентябрида – 3,6 %, 2021 йилнинг январь-сентябрида – 4,0 %, 2020 йилнинг январь-сентябрида – 2,6 % даражасида ижобий ўсиш қайд этилди.

Кузатилаётган даврда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида норасмий иқтисодиётда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 127 150,3 млрд сўмни, унинг ушбу тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 67,7 % ни ташкил этди.

✓ **Маълумот учун:** 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 323 878,0 млрд сўмни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг 97,5 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 1,9 % и – ўрмон хўжалиги, 0,6 % и – балиқчилик хўжалиги ҳиссасига тўғри келди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, ушбу тармоқдаги ижобий ўсиш суръатлари деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларнинг 3,1 % га, ўрмон хўжалиги – 2,9 % га ва балиқчилик хўжалиги – 1,3 % га ўсиши билан боғлиқ.

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати




2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, саноат тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 253 368,8 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари билан таққослаганда 7,0 % га ўсиш кузатилди.

Ушбу тармоқдаги ижобий динамика, асосан тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш тармоғининг қўшилган қиймати 1,3 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг 8,2 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғининг 4,5 % га ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғининг 5,9 % га ижобий ўсиши ҳисобига таъминланди.

Кузатилаётган даврда саноат тармоғида норасмий ва яширин иқтисодиётда 24 520,3 млрд сўм ялпи қўшилган қиймат яратилган бўлиб, унинг ушбу тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 9,7 % ни ташкил этди.


2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати динамикаси



2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан % да)



2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати



2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, қурилиш тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 69 937,8 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари билан таққослаганда қурилиш ишлари ҳажми 9,0 % га ўсди.

Жумладан, ўсиш суръатлари бино ва иншоотлар қурилишида 108,6 % ни, фуқаролик объектлари қурилишида 112,5 % ни ва ихтисослаштирилган қурилиш ишларида 106,4 % ни ташкил этди.


Кузатилаётган даврда қурилиш тармоғида норасмий ва яширин иқтисодиётда 27 102,0 млрд сўм ялпи қўшилган қиймат яратилган бўлиб, унинг ушбу тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 38,8 % ни ташкил этди.

✓ **Маълумот учун:** 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида қурилиш ишлари ҳажми 167 101,2 млрд сўмни ташкил этди. Қурилиш ишларининг умумий ҳажмида йирик қурилиш ташкилотларининг улуши 24,4 %, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши 48,1 %, жисмоний шахсларнинг улуши 27,5 % ни ташкил этди.


2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми
(млрд сўм)

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан % да)



Йиллар **Бинолар ва иншоотлар қуриш**



Йиллар **Фуқаролик объектларини қуриш**




Йиллар **Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари**




- Бинолар ва иншоотлар қуриш
- Фуқаролик объектларини қуриш
- Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати




2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 457 899,8 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 7,5 % га ўсди. Шу жумладан, савдо хизматлари 11,1 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 10,6 % га, ташиш ва сақлаш хизматлари 8,7 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 22,3 % га, бошқа хизматлар 4,5 % га ўсди.

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан % да)



2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати




2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби динамикаси
(жамига нисбатан % да)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуши чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)га тўғри келди ва 57,1 % ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)нинг улуши 30,5 % ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлашнинг улуши 12,4 % ни ташкил қилди.


2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
ташиш ва сақлаш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати




2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, ташиш ва сақлаш тармоғининг Ўзбекистон Республикаси ЯИМИдаги улуши 5,3 % ни ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуши автомобил транспортига тўғри келди ва 53,0 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши 14,7 %, темир йўл транспортининг улуши 9,1 %, ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши 15,0 %, ҳаво транспортининг улуши 8,2 % ни ташкил этди.


2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ташиш ва сақлаш тармоғи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)



2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
ахборот ва алоқа тармоғининг ялпи қўшилган қиймати



2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ахборот ва алоқа тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ахборот ва алоқа тармоғининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 2,6 % ни ташкил этди.

Мазкур тармоқ ялпи қўшилган қиймати таркибида асосий улуш алоқа хизматларига (симли ва мобил алоқа хизматлари, интернет тармоғи ва бошқаларга) тўғри келди ва 37,1 % ни ташкил этди.

Тармоқда яратилган ялпи қўшилган қийматнинг қолган 62,9 фоизи ахборот ва алоқанинг бошқа тармоқлари (нашриёт фаолияти, компьютер дастурлаштириш соҳасидаги фаолият, дастурлар яратиш бўйича фаолият, телекўрсатув ва радио-эшиттириш в.б.) хиссасига тўғри келди.


2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
АКТ хизматларининг ялпи қўшилган қиймати



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) хизматларининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 2,4 % ни ташкил этди.

Тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг 40,5 фоизи алоқа хизматлари, 40,9 фоизи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар, 9,6 фоизи маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, Веб-порталлар, 5,5 фоизи дастурий таъминотни чиқариш, қолган 3,5 фоизи компьютерлар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш хизматлари ҳиссасига тўғри келган.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес)да
яратилган ялпи қўшилган қиймат



2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 521 233,0 млрд сўм миқдорда қўшилган қиймат ёки иқтисодиётдаги ялпи қўшилган қийматнинг 53,8 % и яратилган. Шундан 34,9 % и қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 12,2 % и саноат, 10,5 % и қурилиш тармоқлари ва 42,4 % и хизматлар соҳасига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари улуши иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 96,7 %, қурилишда 78,0 %, хизматлар соҳасида 48,3 % ва саноатда 25,1 % ни ташкил этди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси
бўйича кузатилмайдиган иқтисодиёт



2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасида кузатилмайдиган (норасмий ва яширин) иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 357 507,6 млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35,2 % ни ташкил этди.

Шундан норасмий иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 274 028,6 млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 27,0 % ни ташкил этди. Яширин иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми эса 83 479,1 млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 8,2 % ни ташкил этди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида кузатилмайдиган
иқтисодиётнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан % да)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида норасмий ва яширин иқтисодиёт ҳажмининг тармоқлар бўйича таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 67,7 % ни, хизматлар соҳаси 39,0 % ни, қурилиш 38,8 % ни, саноат 9,7 % ни ташкил этган.

- ✓ **Кузатилмайдиган иқтисодиёт** – доимий статистика кузатувларида тўлиқ ёки билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турлари.
- ✓ **Норасмий иқтисодиёт** – уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият.
- ✓ **Яширин иқтисодиёт** – қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркирилган иқтисодий фаолият.

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Статистика дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан 2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотни дастлабки баҳолаш ишлари амалга оширилди.

✓ **Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки² (жамига нисбатан % да)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 19,0 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент ва Навоий вилоятлари 10,1 % ва 8,0 % кўрсаткичлари билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМини шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (1,9 %), Жиззах (3,0 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (3,0 %) тўғри келган.

²Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасида ЯҲМ ҳажми 6,5 % га ўсди ва 30 858,7 млрд сўмни ташкил этди. Қуйидаги асосий тармоқларда ижобий иқтисодий ўсиш кузатилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 20,1 %), саноатда 107,1 % (21,0 %), қурилишда 107,2 % (8,8 %) ва хизматлар соҳасида 107,3 % (50,1 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 5,0 % га ошди ва 15 332,7 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)


Йиллар	ЯҲМ		
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш
2024	6 008,8	6 282,1	2 638,1
2023	5 377,5	5 259,0	2 334,8
2022	4 753,9	5 273,6	2 196,5

Йиллар	Маҳсулотларга соф солиқлар		
	Хизматлар	Қурилиш	Саноат
2024	14 941,9	987,8	1 976,7
2023	12 029,3	1 218,6	1 976,7
2022	10 260,2	1 976,7	1 976,7


2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш
(камайиш) суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Андижон вилоятида ЯҲМ ҳажми жорий нархларда 61 187,7 млрд сўми ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари билан таққослаганда 6,3 % га ўсди. Қуйидаги асосий тармоқларда ижобий ўсиш кузатилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 31,3 %), саноатда 108,2 % (26,9 %), қурилишда 106,1 % (6,0 %) ва хизматлар соҳасида 108,5 % (35,8 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 17 891,1 минг сўми ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,1 % га ўсди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҲҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш
суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



БУХОРО ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ


Бухоро вилоятида ЯҲМ 48 744,2 млрд сўми ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябри билан таққослаганда 5,8 % га ўсди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 101,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 35,7 %), sanoatда 106,1 % (18,4 %), қурилишда 109,3 % (10,5 %) ва хизматларда 109,2 % (35,4 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,0 % га ўсди ва 23 706,0 минг сўми ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

Йиллар	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
	2024	48 744,2	16 843,3
2023	41 880,8	15 384,4	7 124,4
2022	36 097,0	13 518,2	5 807,6

Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
	2024	4 950,1	16 765,1
2023	4 242,9	13 579,5	1 549,6
2022	3 628,1	11 637,6	1 505,5

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



■ Ҳажми, минг сўм ● Ўсиш суръати, % да


2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҲҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Жиззах вилоятида ЯҲМ ҳажми 5,7 % га ўсди ва 30 320,9 млрд сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг тармоқлар таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 101,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 39,7 %), саноатда 107,0 % (17,8 %), қурилишда 108,8 % (6,5 %) ва хизматлар соҳасида 110,1 % (36,0 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3,5 % га ўсди ва 19 962,4 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)


Йиллар	ЯҲМ		
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш
2024	11 765,2	5 281,1	1 931,4
2023	10 969,8	4 425,2	1 683,9
2022	9 366,7	2 757,6	1 520,8

Йиллар	ЯҲМнинг тармоқлар таркиби		
	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар	Хизматлар
2024	10 652,8	690,4	10 652,8
2023	8 414,9	712,8	8 414,9
2022	6 899,6	470,3	6 899,6

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Қашқадарё вилоятида ЯХМ ҳажми 56 803,8 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябри билан таққослаганда 6,2 % га ўсди. ЯХМнинг тармоқлар таркибида ижобий ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,1 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 33,3 %), саноатда 108,0 % (17,9 %), қурилишда 110,5 % (7,8 %) ва хизматлар соҳасида 106,6 % (41,0 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 3,9 % га ўсди ва 15 825,0 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМ ҳажми (млрд сўм)


Йиллар	ЯХМ			Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги			Саноат		
	Ҳажми	Ўсиш суръати	2022	Ҳажми	Ўсиш суръати	2022	Ҳажми	Ўсиш суръати	2022
2024	56 803,8	106,6	40 092,8	18 373,5	104,1	13 677,8	9 865,3	108,0	6 061,0
2023	48 389,4	104,1	46 440,0	16 579,5	103,3	16 000,0	7 837,2	103,3	7 500,0
2022	40 092,8	100,5	40 092,8	13 677,8	100,5	13 677,8	6 061,0	100,5	6 061,0

Йиллар	Қурилиш			Хизматлар			Маҳсулотларга соф солиқлар		
	Ҳажми	Ўсиш суръати	2022	Ҳажми	Ўсиш суръати	2022	Ҳажми	Ўсиш суръати	2022
2024	4 333,4	110,5	3 083,4	22 674,9	106,6	15 664,7	1 556,7	106,6	1 605,9
2023	3 873,0	103,3	3 740,0	18 578,3	103,3	18 000,0	1 521,4	103,3	1 470,0
2022	3 083,4	100,5	3 083,4	15 664,7	100,5	15 664,7	1 605,9	100,5	1 605,9


2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш
(камайиш) суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Навоий вилоятида ЯХМ ҳажми 81 217,6 млрд сўмга етди ва ўсиш 7,4 % ни ташкил этди. ЯХМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,0 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 10,8 %), саноатда 107,8 % (71,8 %), қурилишда 116,3 % (4,5 %) ва хизматларда 106,6 % (12,9 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 5,5 % га ўсди ва 75 020,9 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМ ҳажми (млрд сўм)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш
суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Наманган вилоятида ЯХМ 47 519,9 млрд сўми ташкил этди, бу эса 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари маълумотларига нисбатан 7,3 % га кўпдир. ЯХМнинг ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 29,7 %), саноатда 108,4 % (15,8 %), қурилишда 109,5 % (7,9 %) ва хизматлар соҳасида 109,4 % (46,6 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ЯХМ 5,0 % га ўсди ва 15 375,1 минг сўми ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМ ҳажми (млрд сўм)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг
ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Самарқанд вилоятида ЯХМ ҳажми 72 542,0 млрд сўмни ташкил этди ва бу эса 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари маълумотларига нисбатан 6,5 % га кўпдир. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,7 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 33,1 %), саноатда 107,8 % (15,4 %), қурилишда 110,3 % (5,7 %) ва хизматлар соҳасида 107,8 % (45,8 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 4,3 % га кўпайди ва 17 101,3 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМ ҳажми (млрд сўм)


Йиллар	ЯХМ		Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги		Саноат	
	Ҳажми	Ўсиш суръати	Ҳажми	Ўсиш суръати	Ҳажми	Ўсиш суръати
2024	72 542,0	103,7	23 662,6	104,2	11 014,2	107,8
2023	59 957,3	103,6	20 636,2	103,6	8 474,5	107,8
2022	49 373,8	104,3	16 899,4	104,3	7 539,9	107,8

Йиллар	Қурилиш		Хизматлар		Маҳсулотларга соф солиқлар	
	Ҳажми	Ўсиш суръати	Ҳажми	Ўсиш суръати	Ҳажми	Ўсиш суръати
2024	4 036,6	110,3	32 707,4	107,8	1 121,2	5,7
2023	3 589,0	110,3	26 259,6	107,8	998,0	5,7
2022	3 306,7	110,3	20 453,8	107,8	1 174,0	5,7

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Сурхондарё вилоятида ЯҲМ 6,2 % га ўсди ва 38 732,2 млрд сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 41,1 %), саноатда 108,8 % (8,6 %), қурилишда 109,6 % (9,5 %) ва хизматлар соҳасида 107,3 % (40,8 %) кузатишган ижобий ўсиш суръатлари таъсир қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 13 344,4 минг сўмни ташкил этди ва 3,6 % га ўсди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Сирдарё вилоятида ЯҲМ ҳажми 19 267,8 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари маълумотлари билан таққослаганда 4,2 % га кўпайди. ЯҲМнинг ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 100,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,5 %), саноатда 107,0 % (28,1 %), қурилишда 104,2 % (7,0 %) ва хизматлар соҳасида 106,5 % (32,4 %) кузатишган ижобий ўсиш суръатлари таъсир қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 20 934,2 минг сўмни ташкил этди ва 2,3 % га ўсди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

Йиллар	ЯҲМ		
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш
2024	19 267,8	6 146,4	5 324,4
2023	16 425,5	5 741,7	4 125,6
2022	13 892,5	4 812,8	3 126,2

Йиллар	ЯҲМнинг таркиби		
	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар	Қурилиш
2024	6 129,1	344,3	1 323,6
2023	5 024,0	349,9	1 184,3
2022	4 332,2	439,7	1 181,6

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҲҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш
(камайиш) суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)


ЯҲМ



■ 2022 ■ 2023 ■ 2024

Йиллар

Қишлоқ, ўрмон ва
балиқчилик хўжалиги



■ 2022 ■ 2023 ■ 2024

Йиллар

Саноат



■ 2022 ■ 2023 ■ 2024

Йиллар


Қурилиш



■ 2022 ■ 2023 ■ 2024

Йиллар


Хизматлар



■ 2022 ■ 2023 ■ 2024

Йиллар

Маҳсулотларга соф
солиқлар



■ 2022 ■ 2023 ■ 2024

Йиллар

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)

ЯҲМ



Қишлоқ, ўрмон ва
балиқчилик хўжалиги



Саноат



Қурилиш



Хизматлар



Маҳсулотларга соф
солиқлар



■ 2022 йил ■ 2023 йил ■ 2024 йил


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Тошкент вилоятида ЯҲМ 7,7 % га ўсган ҳолда 102 296,1 млрд сўмни ташкил этди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 18,1 %), саноатда 107,3 % (45,3 %), қурилишда 115,3 % (7,5 %) ва хизматлар соҳасида 110,2 % (29,1 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2023 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 5,7 % га ўсди ва 33 285,4 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

Йиллар	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
	2024	102 296,1	17 806,3	44 428,7	7 405,9	28 479,6
2023	84 005,4	16 364,9	35 842,7	6 010,5	22 882,6	2 904,7
2022	74 119,5	14 213,8	33 083,4	4 786,2	19 328,2	2 707,9

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)




■ Ҳажми, минг сўм ● Ўсиш суръати, % да

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Фарғона вилоятида ЯҲМ ҳажми 6,9 % га ўсди ва 63 620,4 млрд сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 28,3 %), саноатда 108,3 % (19,3 %), қурилишда 109,6 % (7,6 %) ва хизматлар соҳасида 107,6 % (44,8 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,7 % га ўсди ва 15 545,2 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)


Йиллар	ЯҲМ		
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш
2024	63 620,4	12 039,9	4 736,5
2023	53 688,1	9 463,6	4 209,7
2022	47 328,7	9 000,7	3 601,3

Йиллар	Хизматлар		
	Маҳсулотларга соф солиқлар	Хизматлар	Хизматлар
2024	1 140,4	28 031,0	19 343,3
2023	1 210,4	22 904,9	19 343,3
2022	1 252,8	19 343,3	19 343,3


2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Хоразм вилоятида ЯҲМ ҳажми 6,4 % га ўсди ва 36 199,7 млрд сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 35,9 %), саноатда 108,1 % (16,7 %), қурилишда 108,1 % (8,5 %) ва хизматлар соҳасида 107,7 % (38,9 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,4 % га ўсди 18 025,0 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)


Йиллар	ЯҲМ		
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	Қурилиш
2024	12 750,7	5 922,3	3 014,2
2023	11 381,3	4 607,5	2 595,9
2022	9 721,6	4 078,1	2 291,6

Йиллар	ЯҲМнинг тармоқлари		
	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар	Қурилиш
2024	13 850,7	661,8	3 014,2
2023	11 237,3	670,6	2 595,9
2022	9 560,3	720,8	2 291,6

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг ўсиш
суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)




2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида
ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)




**ТОШКЕНТ ШАҲРИ
ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ**

Тошкент шаҳрида ЯҲМ ҳажми 193 397,6 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари билан таққослаганда 10,0 % га ўсди. Саноат тармоғида 108,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 28,6 %), қурилишда 111,6 % (9,9 %) ва хизматлар соҳасида 110,9 % (61,5 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 63 035,0 минг сўмни ташкил этди ва 7,2 % га ўсди.

2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




■ Ҳажми, минг сўм ● Ўсиш суръати, % да


2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси (жамига нисбатан % да)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МХТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент - институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

Маҳсулотларга солиқлар – товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

Маҳсулотларга субсидиялар – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

Маҳсулотларга соф солиқлар маҳсулотларга солиқлардан маҳсулотларга субсидияларни айириш орқали аниқланади.

ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати) доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

ЯИМ дефлятор индекси иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМ (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ)нинг реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

Кузатилмайдиган иқтисодиёт – доимий статистика кузатувларида тўлиқ ёки билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турлари.

Норасмий иқтисодиёт – уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Яширин иқтисодиёт – қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркитилган иқтисодий фаолият.